

4-1-2019

ESTABLISHMENT OF MUTUAL INSURANCE SOCIETIES AND STATE REGULATION OF THEIR ACTIVITIES (ON THE EXAMPLE OF FOREIGN COUNTRIES)

Q. Quldoshev

Tashkent Financial institute, kuldashevKM@gmail.com

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Quldoshev, Q. (2019) "ESTABLISHMENT OF MUTUAL INSURANCE SOCIETIES AND STATE REGULATION OF THEIR ACTIVITIES (ON THE EXAMPLE OF FOREIGN COUNTRIES)," *International Finance and Accounting*: Vol. 2019 : Iss. 2 , Article 19.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss2/19>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

Establishment of mutual insurance societies and state regulation of their activities (on the example of foreign countries)

This article describes the place of mutual insurance companies in the insurance market of foreign countries, the state of development in the world regions, the regulatory documents used in the European Union for their regulation and activities of international organizations for the coordination and development of GUS and offers to organize their activities in Uzbekistan.

Key words

Mutual insurance, mutual insurance society, commercial insurance organization, life insurance, property insurance, licensing and activity insurance, solvency, insurance premium, insurance coverage.

The mutual insurance is a separate form of insurance that differs from commercial-based insurance, which can be seen by focusing on the evolutionary history of these two forms. Historical data show that the origin of mutual insurance dates back to the 2nd millennium BC, and the beginning of the commercial insurance in XIV century. Although there are many different features in these two forms, their similarities are adequate. The mutual insurance establishes a pre-existing insurance fund, manages the fund, carries out investment activity, acts as an employer, participates in competitive relations, joins or is a member of various associations, and as an additional activity, can lead.

The strategy of actions approved by the President of the Republic of Uzbekistan also focuses on the development of insurance services. However, insurance services in our country do not meet today's requirements. One of the ways to boost this sector is the introduction of mutual insurance in the country.

The results of the analysis of the mutual insurance in the insurance market of the countries of the world showed that the analysis of the current state of the country, not one of the countries in which the status of mutual insurance in the world is determined, and the location of the mutual insurance, provides an excellent analysis.

In Asia, Korea, Taiwan and Thailand, considerable financial growth and activity of mutual insurance can be seen. In these countries, mutual insurance and life insurance are the main types of insurance. Property insurance is relatively low. In 2001, Asia's share of the insurance market in the world market amounted to 26.5%. Today, this indicator is kept at a moderate level.

In 1752, the first Philadelphia Contribution Insurance Company in North America was established, and since then the mutual insurance activities in these countries have grown rapidly and consistently. The damage caused by the terrorist act in the United States in 2011 amounted to about \$ 40 billion. US dollars. The insurance companies that were responsible for this incident were seriously damaged, and the majority of these losses accounted for the mutual insurance societies. American-Canadian Mutual Insurance Company - According to NAMIC, mutual insurance societies suffered a severe crisis at that time.

Nevertheless, they continued to grow in 2013. In the continent countries, the only issue in the field of mutual insurance is highlighted in the issue of reinsurance at a legislative level.

In many countries where the African continent traditionally speaks French, mutual insurance is widely developed. Countries such as Algeria, Senegal, Morocco, Tunisia can be imported. By the 1980s, functioning of the ARS specializing in agricultural insurance in Guinea, Ivory Coast, Togo, and Chad increased to the level of development¹.

There are more than 800 mutual insurance societies operating in EU countries, and in addition, France, Finland and Germany have three mutual insurance societies, which engage in three major reinsurance activities. In EU countries most of the mutual insurance societies are societies dealing with life insurance other types of insurance. In Sweden, especially, the mutual insurance activity has been developed and the share of insurance services rendered by these societies accounts for about 52% of total insurance services. Insurance companies in the countries such as France, Finland, Austria, Denmark, Norway and Germany are mainly engaged in fire insurance, car insurance and agricultural insurance.

Based on the results of analysis of insurance markets in foreign countries, one can say that the effectiveness of mutual insurance societies is characteristic not only for developed countries, but also for developing countries.

In our country, initiated by the state, the establishment of mutual insurance societies in various directions (agriculture, oil and gas, among professions, citizens, etc.), providing concessional lending for their primary funding, and experience of mutual insurance legislation in countries around the world, the creation of this insurance legislation significantly increases the volume of insurance coverage in the country, improves the quality of services and ensures that the cheap and reliable insurance product the creation of lotions.

Starting from the development of the Law "On mutual insurance activity" and creating the wide range of opportunities and privileges to the mutual insurance societies to be set up, avoiding various restrictions (removing the restrictions on personal insurance in the existing legislation) Development of legislation mutual insurance which would lead to development.

Today, although the regulatory processes that are being used by the countries can be divided into the above models, the exchange of international experience, the gradual disappearance and the gradual disappearance of the globalization of insurance relations to eliminate deficiencies in the regulation of national insurance markets. The European Union's insurance market is based on the conservative model of the insurance legislation. While market regulation is based on a conservative model, the focus is on ensuring financial sustainability of the WIS.

It is well-known that most of the international trade is carried out by sea.² At the same time, such types of insurance as the responsibility of owners of vessels to third parties, damage to cargo and passengers, life insurance of crew members, 95% of

¹Turbina K.E., Dad'kov V.N. Mutual insurance. Moskow, Ankil, 2007, P. 21-32

²T.A. Merebashvili Materialniye iprosessualniye voprosiv zaimnogo straxovaniya otvetstvennostisudovladeltsev, dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on juridical, Moskow 2005. 25p.

these types of insurance are carried out in joint insurance companies called mutual insurance companies.

Due to the analysis of insurance markets in foreign countries, mutual insurance societies operate effectively not only in developed countries, but also in developing countries. The basics of the activities of the JFS in these countries are the normative-legal acts developed by the state.

(Full article is available in Uzbek)

**Тошкент молия институти
докторанти, и.ф.н. Қ.М.Қўлдошев
Тел.(90) 356-91-59
kuldashevKM@gmail.com**

Ўзаро суғурталаш жамиятларини ташкил этиш ҳамда улар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш (хорижий мамлакатлармисолида)

Мақолада чет мамлакатлар суғурта бозорларида ўзаро суғурталаш жамиятларининг туганган ўрни, дунё минтақаларида ривожланиш ҳолати, уларни тартибга солиш борасида европа иттифоқи томонидан қўлланилаётган меъёрий ҳужжатлар ҳамда Ўзаро суғурталаш жамиятлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва ривожлантиришни кўзда тутувчи халқаро ташкилотлар тўғрисида фикр юритилган ва ушбу тажрибалар асосида Ўзбекистонда Ўзаро суғурталаш жамиятлари фаолиятини йўлга қўйиш борасидаги таклифлар берилган.

Таянч сўз ва иборалар: ўзаро суғурта, ўзаро суғурталаш жамияти, тижорат суғурта ташкилоти, ҳаёт суғуртаси, мулкий суғурта, суғурта фаолиятини лицензиялаш, тўловга қобиллик, суғурта мукофоти, суғурта қопламаси.

Организация взаимных страховых обществ и их государственное регулирование (на примере зарубежных стран)

В настоящей статье излагается место взаимных страховых обществ в страховом рынке зарубежных государств, состояние развития в мировых регионах, нормативные документы применяемые в европейском союзе для их регулирования и деятельность международных организаций по координации и развитию ВСО и даны предложения по организации их деятельности в Узбекистане.

Ключевые слова: Взаимное страхование, взаимное страховое общество, коммерческая страховая организация, страхование жизни, имущественное страхование, лицензирование страховой деятельности, платежеспособность, страховая премия, страховое покрытие.

Кириш

Нотижорат шаклидаги ўзаро суғурта ўзининг кўпгина ўзига хос хусусиятлари билан тижорат суғуртасидан фарқ қилиб, суғуртанинг алоҳида шакли ҳисобланади. Ўзаро суғуртанинг пайдо бўлиш тарихи эрамиздан олдинги икки мингинчи йилларга бориб тақалса [1], тижоратга асосланган суғуртанинг пайдо бўлиши XIV асрдан бошланганлигини тарихий маълумотлардан кўриш мумкин [2]. Ушбу икки шаклдаги бир-биридан фарқ қилувчи кўпгина хусусиятлар мавжуд бўлса-да, уларнинг ўхшашлик хусусиятлари ҳам етарли даражада. Ўзаро суғурта тижоратга асосланган суғуртадаги каби суғурта фондини олдиндан шакллантиради, ушбу фондни бошқаради, инвестицион фаолиятни амалга оширади, иш берувчи сифатида фаолият юритади, ўзаро рақобат муносабатларида иштирок этади, турли уюшмаларга аъзо бўлиши ёки уларнинг таркибига кириши мумкин, кўшимча фаолият сифатида суғуртанинг тижорат шаклини ҳам олиб бориши мумкин.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

ЎСЖларни ташкил этиш, фаолиятини ривожлантириш ва уларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ва такомиллаштириш бўйича чет элик олимлар илмий изланишлар олиб боришган. Булар сифатида А.Манес, Д.Бланд, К.Г.Вобль, В.В.Шахов, Т.А.Меребашвили, Р.Т.Юлдашев, Дадьков В.Н., Д.С.Лопаткин, В.А.Зеленчук, М.Л.Бурлакова, А.А.Алексеев, А.Л.Лелчук, А.А.Гвозденко, В.Б.Гомелля, И.В.Логвинова, К.Е.Турбина, С.Г.Скакун ва бошқаларни таъкидлаб ўтиш мумкин. Улар ўз илмий изланишларида ўзаро суғурта фаолиятининг турли жиҳатларини ўрганганлар, масалан М.Л.Бурлакова “Развитие взаимного страхования в России” мавзусидаги диссертациясида Россияда ўзаро суғурталашни ривожлантириш муаммоларига бағишлаган. Д.С.Лопаткин “Развитие взаимного страхования в сфере туризма” мавзудаги диссертациясида туризм соҳасида ўзаро суғурталашни ривожлантириш масалаларини ёритган. В.А.Зеленчук “Совершенствование взаимного страхования от несчастного случая в предпринимательской деятельности” номли диссертациясида тадбиркорлик фаолиятидаги бахтсиз ҳодисалардан ўзаро суғурталашни ривожлантириш масалаларини таҳлил этган, К.Е.Турбина ва В.Н.Дадьковларнинг 2007 йилда АНКИЛ нашриётида босмадан чиқарилган “Взаимное страхование” китобида ўзаро суғуртанинг Россия империясида ривожланиши, дунё суғурта хўжалигида ва суғурта бозорининг алоҳида секторларида ривожланиши ва иқтисодий самарадорлиги ёритилган.

Мамлакатимиз олимлари томонидан суғурта фаолиятининг турли жиҳатлари ўрганилган бўлсада, ўзаро суғуртага бағишланган илмий ишлар жуда кам бўлиб, фақат Х.С.Умаров томонидан 2013 йилда Москва шаҳрида ҳимоя қилинган “Страховой рынок Узбекистана: основные проблемы и тенденции развития” мавзусидаги номзодлик диссертациясининг учинчи боби Ўзбекистон суғурта бозорининг ривожидида ўзаро суғуртанинг ўрнига бағишланган бўлиб, унда ўзаро суғуртанинг хусусиятлари ва афзалликлари, уни қишлоқ хўжалиги ва мулкӣ суғуртада қўллаш масалалари ёритилган.

Таҳлил ва натижалар.

Дунё мамлакатлари суғурта бозорларидаги ўзаро суғуртанинг ҳолати бўйича ўтказилган таҳлиллар натижаси шуни кўрсатдики, дунёда ўзаро суғуртанинг ҳолати ва тутган ўрнини аниқлаш учун унинг бир мамлакат эмас, балки мазкур суғурта шакли ривожланган минтақа мамлакатлари бўйича ҳолатни кўриб чиқиш таҳлилнинг мукамал бўлишини таъминлайди.

Осиё мамлакатларидан Корея, Тайван ва Таиландда ўзаро суғурта тез ўсиб бормоқда. Ушбу мамлакатларда ўзаро суғуртанинг нафақани суғурталаш ва ҳаёт суғуртаси турлари асосий ҳажми ташкил этади. Мулкый суғурта нисбатан паст даражада. 2001 йилда Осиё мамлакатлари ўзаро суғурталаш бозорининг дунё бозоридаги ҳиссаси 26,5 фоизни ташкил этди.[3] Мазкур кўрсаткич бугунги кунда ҳам ўртача шундай даражада сақланиб келмоқда.

1-жадвал

“Fortune” журнали версияси бўйича жаҳондаги 500 та йирик суғурта ташкилотлари ренкигида ЎСЖлар позицияси (2017 йил натижалари бўйича(млн.АҚШ \$)) [4]

№	ЎСЖ ёки суғурта компанияси номи	Ренкигида ўрни	Тўплаган суғурта мукофоти	Суғурта тармоғи
1.	State Farm	95	78331	Мулкый ва жавобгарлик суғуртаси
2.	Nippon Life	126	68684	Ҳаёт ва соғлиқ суғуртаси
3.	Nationwide	247	43940	Мулкый ва жавобгарлик суғуртаси
4.	New York Life	258	42296	Ҳаёт ва соғлиқ суғуртаси
5.	Meiji Yasuda Life	309	37160	Ҳаёт ва соғлиқ суғуртаси
6.	TIAA	319	36025	Ҳаёт ва соғлиқ суғуртаси
7.	Sumitomo Life	350	33821	Ҳаёт ва соғлиқ суғуртаси
8.	Massachusetts Mutual Life	357	33495	Ҳаёт ва соғлиқ суғуртаси
9.	Northwestern Mutual	401	29331	Ҳаёт ва соғлиқ суғуртаси
10.	China Taiping Insurance Group	465	25598	Ҳаёт ва соғлиқ суғуртаси
11.	Achmea	472	24872	Ҳаёт ва соғлиқ суғуртаси
12.	Taikang Insurance Group	489	24058	Ҳаёт ва соғлиқ суғуртаси

Жадвалда келтирилган кучли ўн иккиталикда биринчи ўринни мулкый ва жавобгарлик суғуртаси билан шуғулланувчи ЎСЖ эгаллаган бўлсада, қолган 11 та ЎСЖларнинг ўнтаси ҳаёт ва соғлиқ суғуртаси билан шуғулланувчи жамиятлардир.

1752 йилда Шимолий Америкада биринчи бўлиб “Philadelphia Contribution” номи билан ЎСЖ ташкил этилган бўлиб, шу йилдан бошлаб ушбу минтақа мамлакатларида ўзаро суғурталаш фаолияти тез ва барқарор ривожланиб келди. 2011 йилда АҚШда содир этилган террорчилик ҳаракати натижасида етказилган зарар тахминан 40 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Бу ҳодисадан ўз зиммаларига жавобгарлик олган суғурта компаниялари катта зарар кўрди ва бу зарарнинг асосий қисми ЎСЖлар ҳиссасига тўғри келди.

Америка-Канада ўзаро суғурталаш жамияти - НАМИСнинг берган маълумотида кўра ўша даврда ЎСЖлар оғир кризисни бошидан кечирди. Аммо шунга қарамадан 2013 йилга келиб улар фаолиятида яна ўсиш бошланди.

Африка қитъасининг Француз тилида сўзлашиш урф бўлган бир қанча давлатларида ўзаро суғурта фаолияти кенг ривожланган. Бундай давлатлар сифатида Жазоир, Сенегал, Марокко, Тунис каби давлатларни келтириш мумкин. 1980 йилларга келиб Гвинея, Фил суяги қирғоғи, Того, Чад каби давлатларда қишлоқ хўжалигини суғурталашга ихтисослашган ЎСЖлар фаолияти ривожланиш даражасига кўтарилди.[5]

ЕИ (Европа Иттифоқи) мамлакатларида фаолият кўрсатаётган ўзаро суғурталаш жамиятлари сони 800 дан ортиқ бўлиб, шулар қаторида Франция, Финландия ва Германияда учта йирик қайта суғурталовчи ЎСЖлар фаолият кўрсатади. ЕИ мамлакатларида ЎСЖларнинг асосий қисми ҳаёт суғуртасидан бошқа суғурта турлари билан шуғулланувчи жамиятлардир. Швецияда айниқса ўзаро суғурта ривожланган бўлиб, ушбу мамлакатдасуғурта хизматларининг ўртача 52 фоизи ЎСЖлар ҳиссасига тўғри келади. Ёнғиндан суғурта, автомобил суғуртаси ва к/х суғуртасини Франция, Финландия, Австрия, Дания, Норвегия ва Германияда асосан ЎСЖлар амалга оширади.

Маълумки, халқаро савдонинг асосий қисми денгиз орқали амалга оширилади.[6] Бунда кема эгаларининг учинчи шахслар олдидаги жавобгарлиги, ташилаётган юкка ҳамда йўловчиларга етказиладиган зарар, экипаж аъзоларининг ҳаётини суғурталаш каби суғурта турлари амалга оширилиб, ушбу суғурта турларининг қариб 95 фоизи ўзаро суғурта клублари деб аталувчи ЎСЖларда амалга оширилади.

Чет мамлакатлар суғурта бозорларини ўрганиш асосида шуни таъкидлаш мумкинки, ЎСДлар фақат ривожланган мамлакатларда эмас, балки ривожланаётган мамлакатларда ҳам самарали фаолият кўрсатмоқда. Ушбу мамлакатларда ЎСЖлар фаолиятининг пойдевори бўлиб давлат томонидан ишлаб чиқилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади. Булар:

- лицензиялаш билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар;
- тўловга қобиллик билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Лицензиялашга қўйилган талабларнинг ҳам асосий қисми тўловга қобилликни таъминлашга қаратилган талаблардан иборат.

ЕИ мамлакатларида ЎСЖлар фаолиятини ташкил қилиш ва тартибга солиш ЕИ йўриқномалари ва миллий қонунчилик асосида тартибга солинади, хусусан, ҳаёт суғуртасидан бошқа суғурта турлари билан шуғулланувчи ЎСЖлар учун ЕИ томонидан қуйидаги иккита йўриқнома ишлаб чиқилган:

- ЎСЖлар фаолиятини лицензиялаш ва назорат қилишга йўналтирилган, 24.07.1973 йилда қабул қилинган №73/239/СЕЕ сонли йўриқнома (ушбу йўриқномага 1976, 1984, 1987, 1988, 1990 йилларда ўзгартиришлар киритилган);
- тўловга қобилиятлилик маржаси бўйича 24.07.1973 йилда қабул қилинган №73/239/СЕЕ сонли йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги 2002 йил 5 мартдаги №2002/13/ЕС сонли йўриқнома;

Мазкур йўриқномалар асосида қуйидаги низомлар ишлаб чиқилган:

1. Лицензиялаш масалалари бўйича низом.

Шунга кўра, агар ЎСЖ фаолияти қуйидаги талабларга жавоб берса, улар фаолият юритиши учун лицензия талаб қилинмайди:

-агар ЎСЖ низомида, олган жавобгарликлари бўйича тўлов қобилияти етарли бўлмай қолган ҳолатда қўшимча бадаллар тўплаш ёки қопламани камайтириш шартларидан бири белгиланган бўлса;

-ЎСЖ низомида учинчи шахс олдидаги жавобгарлик, кредит ва гаровга қўйилган мулк суғурталарини амалга ошириш кўзда тутилмаган бўлса;

-йиллик бадаллар тушуми 5 млн. евродан ортиқ бўлмаса (ушбу талаб 2002 йилда киритилган бўлиб, ундан олдин ушбу меъёр 1 млн. еврони ташкил этган);

-шартномаларнинг камида ярми ЎСЖ аъзолари билан тузилган бўлса;

2. Тўловга қобилликни назорат қилиш бўйича низом. Бунга кўра:

-тўловга қобиллик маржасини ҳисоблашда асос бўладиган эркин активлар ушбу маржани ошириш зарурати ҳосил бўлганда, белгиланган маржа ҳажмининг 50 фоизигача бўлган миқдорда қўшимча бадаллар йиғиш ҳисобига тўпланиши мумкин;

-кафолат фондининг қиймати 2 млн. евродан кам бўлмаслиги зарур;

Ҳаёт ва соғлиқ суғуртаси билан шуғулланувчи ЎСЖлар учун ЕИтомонидан қуйидаги иккита йўриқнома ишлаб чиқилган:

-ЎСЖлар фаолиятини лицензиялаш ва назорат қилишга йўналтирилган, 05.03.1979 йилда қабул қилинган №79/267/ЕЕС сонли йўриқнома;

-тўловга қобиллик маржаси бўйича 05.03.1979 йилда қабул қилинган №79/267/ЕЕС сонли йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги 2002 йил 5 мартдаги №2002/12/ЕС сонли йўриқнома. Ушбу йўриқномаларга кўра қуйидагилар белгиланган:

1) лицензиялаш масалалари бўйича:

-ЎСЖ фаолияти учун қуйидаги ҳолатларда лицензия талаб қилинмайди:

-агар ЎСЖ низомида, олган жавобгарликлари бўйича тўлов қобилияти етарли бўлмай қолган ҳолатда қўшимча бадаллар тўплаш ёки қопламани камайтириш шартларидан бири белгиланган бўлса;

-агар уч йил давомида йиллик бадаллар ҳажми 5 млн. евродан ошмаса. Агар учинчи йилда йиллик бадал ҳажми 5 млн. евродан ошса, тўртинчи йил фаолият кўрсатиши учун лицензия талаб этилади.

2) тўловга қобилликни назорат қилиш масалалари бўйича:

-кафолат жамғармаси 3 млн. евродан кам бўлмаслиги керак. Аммо ҳукумат қарори билан ушбу миқдор 25 фоизга камайтирилиши мумкин.

Суғурталанувчиларни ҳимоя қилиш мақсадида ЕИнинг барча йўриқномаларида тўловга қобиллик маржасининг етарли миқдорда сақланишига алоҳида эътибор қаратилади[7].

ЕИ мамлакатлари ЎСЖларга кичик ва ўрта бизнесни самарали суғурта ҳимояси билан таъминловчи восита сифатида қарайдилар[8]. ЕИ мамлакатларининг энг муҳим вазифаларидан бири, барча аъзо мамлакатлар учун ЎСЖларни ташкил қилишнинг ягона стандарт низомини ишлаб чиқишдан

иборат. Бундай низом ЎСЖларни бошқариш, назорат қилиш ва ривожлантиришда қулай шароит яратиб беради.

Ўзаро суғурта масалаларини дунё миқёсида мувофиқлаштириш ва ривожлантиришнинг асосий воситаси бўлиб, тармоқ жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган халқаро ташкилотлар ҳисобланади. Бугунги кунда қуйидаги тўртта тармоқ халқаро ташкилотлари ўзаро суғуртани дунёга танитишда катта ўрин тутаяди:

-AISAM, “Association Internationale des sociétés Assurance Mutuelle” (International association of mutual insurance companies) – ўзаро суғурта жамиятларининг халқаро ассоциацияси.

-AIM, (Association of International Health Mutuals) – ушбу халқаро ташкилот соғлиқни суғурталашга ихтисослашган Ўзаро суғурталаш жамиятлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

-ICMIF (International Cooperative and Mutual Insurance Federation) – кооперативлар ва Ўзаро суғурталаш жамиятлари халқаро федерацияси;[9]

-International Group of P&I Clubs - P&I клублар халқаро гуруҳи. Ўзаро суғуртанинг денгиз клублари (P&I клублар) манфаатларини ҳимоя қилади.

Чет мамлакатлар тажрибаларига кўра ЎСЖлар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг қуйидаги моделларини ажратиш мумкин:

1) тартибга солишнинг консерватив модели (ўзаро суғуртани барча томонларининг бутун тафсилотларини характерловчи, шу асосда унинг умумий принципларининг тизимини ишлаб чиқишни назарда тутувчи);

2) ЎСЖлар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг либерал модели (ушбу моделда ЎСЖлар тақдим этадиган ҳисоботлар асосида уларнинг молиявий ҳолати ва тўловга қобиллигига эътибор қаратиш билан бирга, суғурта операциялари, тарифларни белгилаш, суғурта шартномаларининг намунавий кўринишларини ишлаб чиқишда эркинлик беришга йўналтирилган).

Хулоса ва таклифлар.

Бугунги кунда мамлакатлар томонидан қўлланилаётган тартибга солиш жараёнларини юқоридаги каби моделларга ажратиш мумкин бўлсада, халқаро тажрибалар бўйича ўзаро алмашув, суғурта муносабатларининг глобаллашуви миллий суғурта бозорларида тартибга солиш борасидаги камчиликларни йўқотиш йўлида ўзига хосликларнинг аста-секинлик билан йўқолиб бориши ва умумийлик сари бормоқда. Европа иттифоқи суғурта бозори консерватив моделдан келиб чиққан ҳолда суғурта қонунчилигини бирхиллаштиришга ва деталлаштиришга қараб бормоқда. Бозорни тартибга солиш эса консерватив моделга таянган ҳолда асосий эътибор ЎСЖлар молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилмоқда.

Япония суғурта бозорида ҳам шундай жараён давом этмоқда. Бундан хулоса қилиш мумкинки, яқин ўн йилликда ЎСЖлар фаолиятини тартибга солувчи суғурта ҳуқуқининг халқаро нормаларини сезиларли даражада бир хиллаштириш амалга ошади.

Мамлакатимизда давлатнинг ташаббускорлигида турли йўналишларда (қишлоқ хўжалиги, нефт ва газ, касб эгалари ўртасида, фуқаролар ўрасида в.х.)

ўзаро суғурта жамиятларини ташкил этиш, бунинг учун уларга бирламчи маблағни шакллантиришда имтиёзли кредитлар беришни йўлга қўйиш, дунё мамлакатларида амал қилаётган ўзаро суғурта қонунчилиги тажрибаларидан фойдаланган ҳолда ушбу суғурта қонунчилигини яратиш мамлакатда суғурта хизмалари ҳажмининг ортиши, хизматлар сифатининг яхшиланиши ҳамда арзон ва ишончли суғурта маҳсулотлари яратилишига олиб келади.

Ўзаро суғурта қонунчилигини биринчи навбатда “Ўзаро суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонунни ишлаб чиқишдан бошлаш ва бунда тузилажак ЎСЖларга мумкин қадар кенг имкониятлар ва имтиёзлар яратиб бериш, турли чекловлардан холи (мавжуд қонунчиликдаги шахсий суғуртага бўлган чекловни ҳам олиб ташлаш) қонунчиликни ишлаб чиқиш ўзаро суғуртанинг ривожланишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.В.Б.Гомелля, Ю.Б.Рубин, В.И.Солдаткин Страховой портфель Москва СОМИНТЕК 1994 7 стр.

2.Райхер В.К. Общественно-исторические типы страхования Москва, Юкис, 1993, с.119

3.Дадьков В.Н. Формирование отраслевых систем взаимного страхования и перспективы их развития. Автореферат диссертации на соискание ученой степени д.э.н. Москва 2007. 31 с.

4.Хорин А.Н., Бровкин А.В. Креативная экономика//том 12, №10, 2018 с.1721

5.Турбина К.Е., Дадьков В.Н. Взаимное страхование. Москва, Анкил,2007.С. 21-32

6.Т.А. Меребашвили Материальные и процессуальные вопросы взаимного страхования ответственности судовладельцев, диссертация на соискание к.ю.н., Москва 2005. 25 с.

7.Лопаткин Д.С. Развитие взаимного страхования в сфере туризма. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Москва 2014

8.Зеленчук В.А. Совершенствование взаимного страхования от несчастного случая в предпринимательской деятельности.Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Москва 2013

9.Адамчук Н.Г. Мировой страховой рынок на пути к глобализации. Москва РОССПЕН, 2007. 75 с.